ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВ УЛУГБЕК ХАКИМДЖОНОВИЧ

АГРАР СОҲАДА ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2026 йил

УЎК: 347.963:349.41(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the dissertation abstract for the Doctor of Philosophy (PhD) degree

Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Каримов Улугбек Хакимджонович
Аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари..... 3

Каримов Улугбек Хакимджонович
Особенности прокурорского надзора за исполнением актов земельного законодательства в аграрной сфере..... 26

Karimov Ulugbek Xakimdjonovich
Specific features of prosecutorial supervision over the implementation of land legislation acts in the agrarian sector..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 54

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

КАРИМОВ УЛУГБЕК ХАКИМДЖОНОВИЧ

АГРАР СОҲАДА ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2026 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Yu1159 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Пулатов Бахтияр Халилович** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Махмудов Алишер Абдусалимович** юридик фанлар доктори, профессор в.б.
	Саидов Шохруххон Музаффаржонович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат юридик университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2025.27.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 30 ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2026 йил 17 ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил 17 ноябрдаги 28-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Қучқаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.С.Одинаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни асраб қолиш иқтисодий жиҳатдан етук мамлакатлар ички сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар 4,8 млрд. гектарни, яъни қуруқлик майдонининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади[1]. Айниқса, суғориладиган ерлар ишлов бериладиган ерларнинг атиги 20 фоизини ташкил этса-да, барча озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 40 фоизи мазкур ерларда етиштирилади[2]. Ер чекланган ва қайта тикланмайдиган ресурс бўлганлиги сабабли, унга нисбатан содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни чеклаб қўювчи моддий-ҳуқуқий нормалар, бундай ўзгаришларни мустасно тартибда расмийлаштириш механизмлари ҳамда ер ресурсларининг ҳолатини масофавий мониторинг қилиш тизимлари фаол жорий этилмоқда.

Жаҳонда ер муносабатлари соҳасида қонунийликни таъминлаш, давлат ер назорати билан прокурор назоратининг ўзаро нисбати, рақамли мониторинг маълумотларининг ҳуқуқий мақоми, прокурорнинг жамоат манфаатини суд орқали ҳимоя қилиш ваколати ва назорат самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки, мазкур масалалар халқаро даражада долзарб аҳамият касб этади ва ўзининг ҳуқуқий асосларига ҳам эга. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Чўлланишга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси деградацияга учрамаган ёки кам деградацияланган ерларга нисбатан профилактик чоралар кўришни талаб қилса[3], «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги Конвенция ер муҳофазаси талабларини соҳавий сиёсат ва қарорларга сингдиришни белгилайди[4]. Шу каби, Европа Иттифоқининг 2025 йил 12 ноябрдаги «Тупроқ мониторинги ва барқарорлиги тўғрисида»ги Директиваси тупроқ ҳолатини мунтазам кузатиш, баҳолаш ва ифлосланган участкалар ҳисобини юритишни аъзо давлатлар мажбурияти этиб белгилаган[5]. Демак, аграр ерлар устидан назоратни ташкил этиш халқаро мажбурият билан ҳам, халқаро методологик

---

[1] FAO. Land statistics 2001-2023: Global, regional and country trends. – Rome: FAO, 2025 // Электрон манба: https://www.fao.org/statistics/highlights-archive/highlights-detail/land-statistics-2001-2023.-global-regional-and-country-trends/.

[2] FAO. Investing in Food Security: Irrigation // Электрон манба: https://www.fao.org/fileadmin/templates/ag_portal/docs/i1230e00.pdf.

[3] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чўлланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси, 10-модда 2-банди «с» кичик банди // Электрон манба: https://www.unccd.int/sites/default/files/relevant-links/2017-01/UNCCD_Convention_ENG_0.pdf. Ўзбекистон Конвенцияни 1994 йил 7 декабрда имзолаган, Олий Мажлис томонидан 31.08.1995 йилда ратификация қилинган // Электрон манба: https://www.unccd.int/sites/default/files/naps/uzbekistan-eng1999.pdf.

[4] Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция, 6 ва 10-моддалар. Ўзбекистон Конвенцияга 17.10.1995 йилда қўшилган // Электрон манба: https://www.cbd.int/countries/?country=uz.

[5] Directive (EU) 2025/2360 of the European Parliament and of the Council of 12 November 2025 on soil monitoring and resilience (Soil Monitoring Law) // Электрон манба: https://eur-lex.europa.eu/eli/dir/2025/2360/oj/eng.

мезон билан ҳам боғланган бўлиб, прокурор назоратини айнан ушбу талаблар билан уйғунлаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда ер муносабатларини тартибга солиш ва ерларни муҳофаза қилиш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Расмий маълумотларига кўра, республиканинг умумий ер майдони 44,9 млн. гектарни ташкил этади, шундан 25,9 млн. гектари ёки 57,6 фоизи қишлоқ хўжалиги тоифасидаги ерлар, суғориладиган ерлар эса 3,8 млн. гектар, яъни мамлакат ҳудудининг тахминан 8,4 фоизини ташкил қилади[1]. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига асосан, соҳада 306,3 трлн. сўмлик қўшилган қиймат яратилган ва 3,1 млн. нафардан ортиқ аҳоли шу соҳада банд ҳисобланади[2]. Бироқ, айни пайтда ер фондининг ўзи емирилиб бормоқда, суғориладиган ерларнинг қарийб ярми шўрланган, қишлоқ хўжалиги ерларининг 800 минг гектарга яқин қисми сув эрозиясига учраган[3]. Демак, аграр ерга нисбатан содир этилган ҳар бир қонун бузилиши факти фақат ер эгасининг эмас, балки иқтисодиётнинг салмоқли қисми ва аҳоли озиқ-овқат таъминотига зарар етказади. Шунга қарамай, юқорида қайд этилган масалаларнинг ҳеч бири бугунга қадар яхлит илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Шу боис аграр соҳада прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), Ер кодекси (1998), «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2019), «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021), «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2024), «Рақамли прокуратура – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2025) Фармонлар ва «Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2022), «Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2025) Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг

[1] Ўзбекистон Республикаси ер баланси маълумотлари 2026 йил 1 январь куни ҳолатига // Электрон манба: https://api-portal.gov.uz/uploads/184/2026/06/02/cc6940d9-ced4-39b9-4c5c-498e7e8b7e9b_media_.pdf.

[2] Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. 2025 йил январь-декабрь: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги // Электрон манба: https://stat.uz/img/news/4_-talil-2025-j_-yanvar-dekabr-angl-_p47537.pdf

[3] Ўзбекистон Республикаси Экология соҳасидаги ваколатли органнинг расмий ахбороти, 2025 // Электрон манба: https://gov.uz/en/eco/news/view/37165.

I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари мустақил тадқиқот объекти сифатида илк маротаба ўрганилди. Мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, ер ҳуқуқига оид масалалар А.С.Алтиев, А.Р.Бабажанов, Ш.О.Бобокулов, М.Р.Мирзаабдуллаева, А.Н.Нигматов, Г.Ш.Узакова, М.Б.Усмонов, Ш.Х.Файзиев, Ж.Т.Холмўминов, прокурор назоратига доир жиҳатлар М.Т.Абдухакимов, У.А.Ахунов, М.М.Бобоев, А.Б.Комилов, О.М.Мадалиев, А.А.Махмудов, Б.Х.Пулатов, Ш.Ж.Рахимов каби миллий ҳуқуқшунос олимларнинг илмий изланишларида муайян даражада тадқиқ этилган[1].

МДҲга аъзо давлатларда ер қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ва доираси, назорат объектлари, прокурор текшируви услубиёти ҳамда соҳада назорат самарадорлигини баҳолаш масалалари В.А.Алиев, Т.В.Ашиткова, К.А.Бижанова, Е.В.Бутылина, А.Ю.Винокуров, Ю.Л.Грачкова, Д.Г.Добрецов, Э.Р.Исламова, О.В.Калугина, М.В.Клепоносова, О.Н.Коршунова, Е.А.Куницына, М.Н.Мирошниченко, Н.В.Михлина, Т.И.Отческая, Е.В.Пантин, М.В.Серебрянникова, Т.Е.Сушина, Ю.Г.Червякова, А.А.Чертов, М.С.Шалумов, В.Б.Ястребов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган[2].

Хорижий олимлар Agunbiade M.E., Maiti A. (Австралия), Bill R., Nash E. (Германия), Binswanger-Mkhize H.P. (Швейцария), Chen Z. (Хитой), Faure M.G. (Нидерландия), Nguyen M.D. (Вьетнам), Uhlmann D.M. (АҚШ)лар томонидан мазкур мавзуга доир тадқиқотлар олиб борилган[3].

Мамлакатимизда ер ҳуқуқи масалалари асосан давлат бошқаруви ва ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан, прокурор назорати эса умумназарий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари замонавий воқелик талаблари асосида шу вақтгача махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб, аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятларига оид тадқиқот режасига (2023-2026 йй.) мувофиқ бажарилган.

[1] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[2] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[3] Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишни такомиллаштиришга оид илмий асосланган хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, предмети, объекти, мақсади ва вазифаларининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиб бериш;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг тадрижий ривожланиш босқичларини аниқлаш ва уларни даврийлаштириш;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати амалиётини ўрганиш, қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш услубиёти ва тактикасини тадқиқ қилиш, текширув босқичлари ҳамда тактик вазиятларнинг мазмунини очиб бериш;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

прокуратура органларининг ер муносабатларидаги ўрнига оид илғор хориж тажрибани қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва уни миллий амалиётда қўллаш имкониятларини баҳолаш;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, прокуратура органларининг назорат амалиёти, суд амалиёти материаллари, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, шунингдек илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий-ҳуқуқий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, социологик (ижтимоий сўров), илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, суд ҳужжатларини ўрганиш, қонун

ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан оқилона фойдаланилиши устидан прокурор назоратини ихтисослаштириш, бунда назоратни тўлиқ ва узлуксиз амалга ошириш учун прокуратура органларига қўшимча штат бирликлари ажратиш лозимлиги илмий асослантирилган;

суғориладиган ерларни муомаладан чиқариш ҳамда уларнинг тоифасини қонун талабига зид равишда ўзгартиришнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимликларнинг бу борадаги ваколатини чеклаш зарурлиги илмий исботланган;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) тизимини электронлаштириш, бунда жараённи инсон омилидан ҳоли қилиш соҳада шаффофлик, очиқлик ва тенгликни таъминлаш ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этишга хизмат қилиши асослаб берилган;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишда (қайта ижара) контурлар яхлитлигини сақлаш мезонини белгилаш ер майдонларини майдаланиб кетиши (фрагментацияси)нинг олдини олиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилиши илмий жиҳатдан исботланган;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг устувор вазифалари, мақсади, прокурор текширишига жалб этиладиган мутахассислар доираси, текшириш ўтказиладиган объектлар ва текширишда ўрганилиши лозим бўлган масалаларни белгилашга қаратилган илмий-услубий ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг тушунчаси, предмети, объектига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган ва назорат предметининг соҳавий чегаралари аниқлаштирилган;

ушбу соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари функционал жиҳатдан тўрт гуруҳга таснифланиб, текширувнинг дастлабки босқичида қўлланиладиган «ҳуқуқни аниқлаш қоидаси» таърифланган, соҳавий норматив базадаги учта бевосита зиддият аниқлаб берилган;

ушбу соҳада прокурор назоратининг тадрижий ривожланиши тегишли мезонлар асосида олтита босқичга ажратилиб, ретроспектив таҳлил асосида учта барқарор тенденция аниқланган;

ушбу соҳада прокурор назоратининг амалиёти ҳамда суд қарорлари таҳлил қилиниб, аниқланаётган қонунбузилишлар етти турга таснифланган, аниқлаш билан бартараф этиш ўртасидаги узилиш рақамлар воситасида кўрсатиб берилган ва назорат самарадорлигини баҳолашнинг натижавий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

прокурор текшируви уч босқичга ажратилиб, ҳар бир босқичнинг мазмуни очиб берилган, амалиётда учрайдиган олтита тактик вазият таснифланган ҳамда аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини текширишнинг намунавий режаси ишлаб чиқилган (*8-илова*);

ушбу соҳада прокурор назоратини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокурорнинг «Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги махсус соҳавий буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган (*3-илова*);

прокурор назоратига оид статистик ҳисоботларни юритишда мавжуд муаммолар ўрганилиб, Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратураларнинг ҳисоботлари ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ҳолда прокуратура органлари фаолиятига доир «П» шакл ҳисоботига «Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат» номли алоҳида бўлим қўшиш ва янги ҳисоботлар шакллари лойиҳаси ишлаб чиқилган (*4-илова*);

«YER – PROKUROR NAZORATI» мобил илованинг синов версияси ишлаб чиқилиб, унинг асосида назорат органлари билан ҳамкорлик тартиби, илованинг ишлаш, космик суратларни таҳлил қилиш, сигналларни узатиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби, илованинг техник шартлари лойиҳаси таклиф этилган (*6-илова*);

прокуратура органлари ходимлари учун «Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш соҳасида прокурор назоратини ташкил этиш масалалари» мавзусида мажбурий курс ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг «Proacademy 2.0» электрон таълим порталига жойлаштирилган (*ишчи ўқув режаси 10-илова*);

хорижий мамлакатлар (*АҚШ, ЕИ, Хитой ва бошқалар*) тажрибаси прокуратуранинг ер муносабатларидаги иштирокига кўра уч функционал модель асосида тадқиқ қилиниб, ҳар бир моделдан миллий тизимга мос механизмлар ажратиб олинган ҳамда шу асосда Ўзбекистон Республикаси Ер, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига (*1-илова*), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 сентябрдаги «Ерга оид муносабатларда коррупциявий омилларни бартараф этиш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-287-сон Қарори (*2-илова*), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги «Ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 36-сон қарорини (*7-илова*) такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир бобида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация якуний хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда ер ҳуқуқи фанида мавжуд назарий қарашларга, чет эл мамлакатлари ва миллий қонунчилик нормаларига ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу билан бирга социологик

сўровнома натижаларига (*4.123 нафар прокуратура ходими иштирок этган*) асосланганлиги билан белгиланади (*11-илова*).

Бундан ташқари, тадқиқот ишида прокуратура органлари фаолиятига доир 2023-2025 йиллардаги «П» шакл статистик ҳисоботлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари, судларнинг шу даврга оид эмпирик маълумотлари, Бош прокуратуранинг иш режалари ва ахборотлари, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид 113 та қонунчилик ҳужжати, Кадастр агентлиги ҳамда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг 2023-2026 йилларга доир расмий маълумотларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги назарий хулосалар, муаллифлик таърифлари ва «Узлуксиз рақамли назорат» моделидан прокурор назорати назариясини, хусусан унинг соҳавий йўналишлари, предмети ва объекти ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда, шунингдек мазкур соҳадаги кейинги илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ушбу тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-1120-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармони, 2024 йил 18 январдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-15-сон Фармони ва 2021 йил 18 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-17-сон Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида, прокуратура органларининг аграр соҳадаги назорат фаолиятини ташкил этишда, прокурор назорати ва суд амалиётини бир хиллаштиришда, шунингдек юридик олий таълим муассасаларида «Прокурор назорати», «Ер ҳуқуқи» ҳамда «Экология ҳуқуқи» модулларини илмий-назарий бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан оқилона фойдаланилиши устидан прокурор назоратини ихтисослаштириш, бунда назоратни тўлиқ ва узлуксиз амалга ошириш учун прокуратура органларига қўшимча штат бирликлари ажратиш лозимлиги ҳақидаги таклифидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги «Тошкент шаҳрида суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда бошқарув тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-17-сонли Қарорининг 4-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 29 июлдаги 03/25-1-05/5499-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши прокуратура органларининг аграр соҳадаги институционал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланилиши устидан прокурор назоратининг тўлиқлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

суғориладиган ерларни муомаладан чиқариш ҳамда уларнинг тоифасини қонун талабига зид равишда ўзгартиришнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимликларнинг бу борадаги ваколатини чеклаш зарурлиги тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармонининг 4-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2026 йил 30 июлдаги 14/22-13759/8-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий этилиши маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан суғориладиган ер тоифаларини ноқонуний ўзгартириш амалиётига чек қўйиш ҳамда ушбу соҳада ваколатлар суиистеъмол қилиниши хавфини бартараф этишга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ажратиш (реализация қилиш) тизимини электронлаштириш, бунда жараённи инсон омилидан ҳоли қилиш соҳада шаффофлик, очиқлик ва тенгликни таъминлаш ҳамда коррупциявий омилларни бартараф этишга хизмат қилиши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-15-сонли Фармони 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2026 йил 30 июлдаги 14/22-13759/8-сон далолатномаси*). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ер ажратиш жараёнларининг рақамлаштирилишини таъминлаш орқали субъектлар учун тенг рақобат муҳитини яратиш, шаффофликни ошириш ҳамда аграр соҳада коррупсиоген омилларни тизимли бартараф этишга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишда (қайта ижара) контурлар яхлитлигини сақлаш мезонини белгилаш ер майдонларининг майдаланиб кетиши (фрагментацияси)нинг олдини олиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилиши тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 6 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-1120-сонли Қонунининг 3-моддасини ишлаб

чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 29 июлдаги 03/25-1-05/5499-сон далолатномаси*). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24^5-моддасига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, қишлоқ хўжалиги ерларининг бўлиниб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг контур яхлитлигини сақлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг мақсади, вазифалари, назорат объектлари, прокурор текширишига жалб этиладиган мутахассислар доираси ҳамда текширишда ўрганилиши лозим бўлган масалаларга оид илмий-услубий ёндашув «Қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати» дарслигида ўз аксини топган. Ушбу ёндашув дарсликнинг II бўлими IV бобидаги «Аграр соҳада ерга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати» мавзусидаги 2-параграфда баён этилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йил 12 ноябрдаги № 9325-8169-1432-э07д-4709-3462-6621-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 27 июлдаги № 30/5-156398/26-сон далолатномаси*). Мазкур илмий-амалий тавсиялар прокурорларнинг аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва текшириш ўтказиш бўйича амалий кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 8 та илмий мақола, шундан 2 та хорижий журналда, конференцияларда 6 та, шундан 4 та халқаро, 2 та миллий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон

қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистонда аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари ва тадрижий ривожланиши» деб номланиб, унда ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси, предмети, объекти, мақсади ва вазифалари, ҳуқуқий асослари ҳамда тадрижий ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган.

Ушбу бобда муаллиф миллий (*М.Абдухакимов, А.Комилов, О.Мадалиев, Б.Пўлатов, М.Рустамбаев*) ва хорижий (*В.Алиев, О.Калугина, Е.Куницына, М.Мирошниченко, В.Ястребов, М.Шалумов*) олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилган. Илмий адабиётларда учрайдиган аграр ерлар устидан назоратни прокуратуранинг алоҳида функцияси сифатида ажратиш тўғрисидаги қарашларни диссертант асосли деб ҳисобламайди. Унинг фикрича, мазкур назорат прокуратура органлари фаолиятининг алоҳида йўналиши эмас, балки қонунлар ижроси устидан назоратнинг соҳавий кўриниши саналади.

Диссертантнинг муаллифлик ёндашувига кўра, аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати – прокуратура органлари томонидан қонун билан белгиланган ваколатлар доирасида давлат номидан амалга ошириладиган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунийлик аҳволига мустақил ҳуқуқий баҳо бериш, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан қайтариб бўлмас тарзда чиқиб кетишининг олдини олиш ҳамда бузилган ер ҳолатини тиклашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмет жиҳатидан ихтисослашган йўналишидир.

Тадқиқотчининг қайд этишича, ушбу йўналишда прокурор назоратининг предметини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш, уларга бўлган ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ҳамда ер соҳасида давлат бошқаруви ва давлат назоратини амалга ошириш жараёнида қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек ваколатли субъектлар томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги ташкил этади. Предмет таркибига ваколатли субъектларнинг ҳужжатлари ва қарорлари билан бир қаторда уларнинг ҳаракатсизлиги ҳам кириши асосланган. Предметнинг соҳавий чегараси эса ер участкаларини ажратиш, уларга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш, ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ерни бошқа тоифага ўтказиш ёки қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариш билан боғлиқ қонун талабларининг бажарилишини қамраб олади.

Муаллиф назорат объекти ернинг ўзи бўла олмаслигини таъкидлайди, унингча назорат объекти – прокуратура ваколати доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш, ҳисобга олиш, уларга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш,

шунингдек ушбу соҳада давлат бошқаруви ҳамда назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органлари, маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа субъектларнинг фаолиятидир.

Тадқиқотчи соҳавий назоратнинг мақсади ва вазифаларини илмий-назарий таҳлил этиб, прокуратура органларининг аграр соҳадаги вазифаларни икки даражага – қонунбузилишни аниқлаш, тўхтатиш ва бартараф этиш, бузилган ҳуқуқий ҳолатни тиклаш, жавобгарлик масаласини ҳал қилиш ҳамда профилактикадан иборат барқарор махсус вазифалар ва муайян текширув жараёнида амалга ошириладиган индивидуал вазифаларга ажратади. Тадқиқотчига кўра, ер майдонини ўлчаш, тупроқ ҳолатини баҳолаш ва мақсадли фойдаланишни аниқлаш махсус ваколатли давлат органининг вазифаси бўлиб, прокурор ушбу орган (мансабдор шахс) ҳаракати ва ҳаракатсизлигининг қонунийлигига баҳо бериши лозим. Ердан олинадиган ҳосилнинг пастлиги, ўз-ўзидан, прокурор аралашуви (текшируви) учун асос бўла олмайди. Шу боис муаллиф назоратни техник назорат (*ваколатли органлар амалга оширади*) ва прокурор назоратига ажратиш ҳамда улар ўртасидаги чегарани Ер кодексининг ўзида мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этади.

Диссертант аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларига тўхталиб ўтар экан, бу масалада миллий ҳуқуқшунос олимлар А.Махмудов, М.Абдухакимов, Ш.Файзиев ва А.Нигматовларнинг ёндашувларини таҳлил қилади. Унинг фикрича, назоратнинг ҳуқуқий асослари – прокуратура органларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ажратиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш ваколатини берувчи, назоратнинг чегараси ва ҳуқуқий воситаларини белгилайдиган, шунингдек прокурор қонунийликка баҳо беришда таянадиган моддий ва тартибий қоидаларни ўзида бирлаштирувчи, юридик кучи бўйича ўзаро боғланган ҳуқуқий нормалар тизимидир.

Илмий ишда ҳуқуқий асослар функционал жиҳатдан тўрт гуруҳга ажратилиб, ўрганилган: а) прокуратуранинг конституциявий мақоми ва ваколатини белгилаб берадиган қонун нормалари; б) ер участкаларини ажратиш, улардан мақсадли фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир талабларни белгилайдиган қонун нормалари; в) қонун талабларини амалга ошириш механизмини аниқлаштирадиган қонуности ҳужжатлар; г) прокуратуранинг идоравий ҳужжатлари.

Тадқиқот натижасида ҳуқуқий асослар тизимида учта бевосита қарама-қаршилик аниқланган: *биринчидан,* Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 15 майдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига, шунингдек, ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида»ги Низом ва Олий суд Пленумининг 2024 йил 16 декабрдаги «Ер тўғрисидаги

қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 36-сон қарори етказилган зарарни ҳисоблашда турлича мезонлар белгилаган; *иккинчидан,* Жиноят кодекси 229^1-моддасининг тузилиши ўзганинг ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш учун жавобгарлик белгилаганлиги боис ер эгасининг ўз участкасидаги ноқонуний қурилиш қилиши ушбу модда таркибига тушмайди; *учинчидан,* Ер кодексининг 24^5-моддаси йўл қўйган қайта ижара Жиноят кодекси 229^6-моддаси доирасида қолиб кетган. Диссертант мазкур зиддиятларни жиноий ва маъмурий жавобгарлик қонунчилигида норманинг ўзида белгилаш йўли билан бартараф этишни таклиф этади.

Бундан ташқари, диссертант ерга бўлган мулк ҳуқуқи режими, ер қонунчилигининг тизимлилик даражаси, давлат бошқаруви шакли, прокуратура ташкилий тузилмаси ва ваколатининг ҳажми, назорат воситаларидан иборат мезонлар асосида назоратнинг тарихий ривожланишини 6 та босқичга ажратган (*Анъанавий ер-ҳуқуқий тартиб ва давлат назоратининг прототип институтлари – XIV-XIX асрнинг иккинчи ярми, Туркистон генерал-губернаторлиги даврида ер-солиқ маъмуриятчилиги ва умумимперияви прокурор назорати модели – 1867-1917 йй., Ер устидан давлат монополияси ва умумий назорат модели – 1917-1990 йй., Мустақиллик арафаси ва миллий ер қонунчилигининг шаклланиши – 1990-1998 йй., Кодификация ва аграр йўналишдаги прокурор назоратининг институционаллашуви – 1998-2016 йй., Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олишга ихтисослашув ва прокурор назоратини рақамлаштириш – 2017 йилдан ҳозирги пайтгача*). Шу масалада у Т.Каримов, П.Реймов, Ж.Маматмўминов, Б.Кўшакаев, Р.Кенжаев ва Ш.Бобокуловларнинг даврлаштиришга оид ёндашувларини ўрганиб, улар билан илмий баҳсга киришган. Ретроспектив таҳлил натижасида учта барқарор тенденция аниқланган: ер устидан назоратнинг кучайиши ер ресурсларига нисбатан босим ортган даврларга тўғри келади, назорат самарадорлиги ихтисослашган ташкилий тузилмалар ва ахборот алмашинуви механизмларининг барқарорлигига боғлиқ, назорат предмети мураккаблашгани сари ташкилий ихтисослашув ҳам кучайиб боради.

Диссертациянинг иккинчи боби «Аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати амалиёти ва ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланиб, унда аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати амалиёти, прокурор назоратини амалга ошириш услубиёти ва тактикаси, прокурор назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларига доир масалалар тадқиқ этилган.

Ушбу бобда муаллиф соҳада қонунийлик аҳволи ва назорат самарадорлиги ҳолатини таҳлил қилади. Ҳуқуқшунос олимлар У.Ахунов, А.Винокуров, Е.Куницына, В.Михайлов ва М.Серебрянниковалар таклиф этган мезонларда асосий урғу прокурор назорати ҳужжатларининг сонига қаратилганлиги қайд этилади. Бироқ, диссертант назорат самарадорлиги қўлланилган таъсир чораси билан эмас, балки ернинг тақдири – муомалага

қайтарилган ер майдони, бартараф этилган ноқонуний қурилмалар сони ва қонунбузилишнинг қайта такрорланмаслиги билан ўлчаниши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Илмий ишда 2023-2025 йиллардаги прокурор назорати амалиёти статистик кўрсаткичлар, ҳудудий прокуратураларнинг маълумотлари ва суд ҳукмлари асосида тадқиқ қилиниб, ҳуқуқбузарликни аниқлаш билан бартараф этиш ўртасида тизимли узилиш мавжудлиги кўрсатиб берилган. Чунончи, текширишлар сони 26 фоизга, аниқланган қонунбузилишлар 8.313 тадан 12.451 тага ёки 50 фоизга ошган ҳолда, судларга киритилган даъво аризаларнинг суммаси 5,2 млрд. сўмдан 110 млн. сўмга, давлат захирасига қайтарилган ер майдони ҳажми 2024 йилдаги 81 гектардан 2025 йилда 1,7 гектарга тушган.

Тадқиқот мобайнида судлар томонидан Жиноят кодексининг 229^1-моддаси бўйича чиқарилган ҳукмлар ўрганилган. Хусусан, ҳукмларнинг 75 фоизида зарар фақат қурилиш амалга оширилган майдон (ер ости)дан ҳисобланган, оқибатда судланувчилар томонидан ўзбошимчалик билан эгалланган жами 3,31 гектар ернинг 65 фоизи (2,14 гектар) ҳуқуқий баҳодан ташқарида қолган.

Шунингдек, диссертант аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилишининг еттита асосий турини ажратиб кўрсатади. Булар: 1) қишлоқ хўжалиги ерини қонунга зид ажратиш ва унинг тоифаси ёки ихтисослигини ўзгартириш; 2) суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ва уларда ноқонуний қурилиш қилиш; 3) ажратилган ердан мақсадсиз фойдаланиш ва уни қаровсиз қолдириш; 4) ҳужжатларни қалбакилаштириш ва сохта кадастр йиғма жилдини расмийлаштириш; 5) ҳисоботларга қўшиб ёзиш; 6) тоифаси ўзгарган ерлар ўрнига янги ер ўзлаштирмаслик; 7) аниқланган қонунбузилишдан келиб чиққан салбий оқибатни бартараф этмасликдан иборат. Айниқса, сўнгги қонунбузарлик тури юқоридаги 6 та турнинг ҳар бирида такрорланиши билан тизимли характер касб этган.

Тадқиқотчи юқоридаги тизимли қонунбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари сифатида идоравий назоратнинг формал тус олганлиги, қўлланилаётган жавобгарлик чораларининг реал таъсир кучига эга эмаслиги, қонунбузилиш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беришда ягона амалиётнинг шаклланмаганлиги, суд ва ижро босқичидаги назоратнинг сустлиги, соҳада назоратга доир вазифаларнинг прокуратура масъул тармоқлари ўртасида аниқ тақсимланмаганлиги, прокурор назоратининг оқибат билан курашишга қаратилганлиги (*респондентларнинг деярли 30 фоизи соҳада назорат самарадорлигини паст ёки жуда паст деб баҳолаган*), прокурор назоратига замонавий рақамли технологияларнинг жорий қилинмаганлиги кабиларни кўрсатади.

Мазкур бобда диссертант қатор ҳуқуқшунос олимларнинг (*О.Коршунова, Т.Отческая, В.Алиев, О.Калугина ва б.лар*) илмий қарашларини таҳлил қилиб, прокурор текшируви, уни ўтказиш услубиёти ва тактикасига оид категорияларни фарқлаган. Муаллифга кўра, текшириш мақсади ва предметига асосан қайси масалани, қайси манба ва усул асосида ҳамда қандай

кетма-кетликда ўрганишни белгилайдиган илмий-амалий қоидалар тизими – бу услубиётдир. Тактика эса, текшириш вақтидаги аниқ вазиятни ҳисобга олиб, муайян вазиятда қайси усулларни қачон, қандай навбатда ва кимлар иштирокида қўллашни белгилайдиган амалий ҳаракат тартибидир. Диссертант тактик эркинлик текширув предметини асоссиз кенгайтириш учун асос бўла олмаслигини алоҳида таъкидлаган.

Тадқиқотчи текширув босқичлари масаласида миллий ва хорижий олимлар (*И.Иманов, С.Нурпеисов, А.Щербаков, А.Комилов*) билан илмий баҳсга киришади. Диссертантнинг фикрича, прокурор таъсир чорасининг ижроси устидан назорат қилиш прокурор текширувининг алоҳида ички босқичи ҳисобланмайди, чунки у текшириш тугаб, ҳуқуқий чора қўлланилганидан кейин бошланади. Шу боис текширувнинг ўзи уч босқичда (*тайёргарлик, бевосита текшириш ва натижани расмийлаштириш*) ўтказилишини қайд этади. Шунингдек, у соҳавий прокурор текширувларида учрайдиган 6 та тактик вазиятни (*қонунбузилиш давом этаётган ва ерга қайтариб бўлмас зарар етиши мумкин бўлган вазият; ҳужжатлар ўртасида тафовут мавжуд, аммо қонунбузилиш ҳали аниқ бўлмаган вазият; назорат органи қонунбузилишдан хабардор бўлгани ҳолда ўз вақтида чора кўрмаган вазият; электрон маълумотнинг ўзгартирилиши ёки йўқотилиши хавфи мавжуд вазият; битта ер участкаси бўйича бир нечта органнинг ҳаракати ўзаро боғланган вазият; текширув тадбиркорлик субъектининг фаолиятига асоссиз тўсқинлик қилиши мумкин бўлган вазият*) таснифлаган. Бунда мазкур тактик вазиятлар прокурорга ҳар бир ҳолатда биринчи навбатда нима қилиш лозимлигини кўрсатади. Бажариладиган ҳаракатлар навбати қонунбузилиш аломатлари, зарар етказиш хавфи, маълумотнинг ўзгартирилиши эҳтимоли ҳамда вақт омилига қараб белгиланади. Мазкур ёндашув асосида тадқиқотчи томонидан аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини текшириш бўйича намунавий режа ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, муаллиф прокурор назоратини ташкил этиш уни амалга оширишдан кенгроқ тушунча эканини асослаб, назоратни самарали ташкил этишнинг 5 та мезонини ишлаб чиққан (*ҳуқуқий асослар мавжудлиги, ташкилий таъминланганлик, ахборот билан таъминланганлик, хавфларни таҳлил қилиш асосида устувор йўналишларнинг белгиланганлиги ва натижаларни баҳолаш*).

Диссертант шунга алоҳида эътиборни қаратадики, Бош прокуратуранинг ташкилий тузилмаси 2004-2022 йилларда бир неча босқичда ўзгарганига қарамасдан, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратига оид махсус соҳавий буйруқ ҳанузгача қабул қилинмаган. Бу ижтимоий сўровнома натижалари билан ҳам исботланган (*респондентларнинг 27,8 фоизи юқоридаги фикрни тасдиқлаган*). Тадқиқотчининг қарашларига кўра, соҳавий буйруқда *прокуратура органларининг ер соҳасидаги асосий вазифалари, фаолиятни баҳолаш мезонлари, назорат йўналишлари, вазифаларнинг таркибий тармоқлар ўртасидаги аниқ тақсимоти, давлат органлари билан ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви ҳамда қуйи прокуратураларни услубий таъминлаш каби долзарб*

масалалар қамраб олиниши шарт. Шунга биноан, диссертант Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Ер тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги соҳавий буйруғини қабул қилиш таклифини илгари суради (*Буйруқ лойиҳаси диссертациянинг 3-иловасида келтирилган*).

Тадқиқот жараёнида аграр соҳада ерга оид вазифалар прокуратура тизимида 3 та мустақил тармоқ ўртасида тарқоқ тақсимланганлиги, уларга бир-бирини такрорловчи вазифалар юклатилганлиги аниқланган. Муаллифнинг фикрича, бунда муаммо вазифаларнинг ўхшашлигида эмас, ҳар бир вазифа бўйича якуний натижалар учун масъул тармоқнинг (жавобгар шахс) белгиланмаганлигидадир. Шу асосда муаллиф томонидан уч поғонали ташкилий модель таклиф этилган, бунда Бош прокуратура республика миқёсида ягона ёндашув ва услубий раҳбарликни белгилайди, вилоят прокуратуралари ҳудудий ишларни мувофиқлаштиради ва таҳлил қилади, туман-шаҳар прокуратуралари эса бирламчи маълумотларни тўплайди ва ҳолатни ўрганади.

Диссертант идоралараро ҳамкорлик, ҳисоботларни юритиш жараёнидаги тизимли камчиликларни ҳам кўрсатган. Хусусан, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси «E-material» тизимига интеграция қилинмаганлиги сабабли 2024-2025 йиллар ва 2026 йилнинг биринчи ярмида 1.827 та ҳолатда 1,2 минг гектар ер бўйича ҳисобланган 548 млрд. сўмлик зарарга оид материаллар тақдим этилганлигига оид таққослама маълумотлар прокуратура органлари томонидан тасдиқланмасдан қолган.

Диссертациянинг учинчи боби «Аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» деб номланиб, унда аграр соҳада ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишга оид хорижий тажриба ва прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари каби мавзулар тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи хорижий тажрибани қиёсий-ҳуқуқий ўрганиб, уч функционал моделга ажратади. Биринчи модель – назорат органи ва суд орқали таъсир кўрсатиш бўлиб, унда ер ёки экологик қонунчиликка риоя этилишини соҳавий инспекциялар ва маъмурий органлар аниқлайди, прокурор эса асосан жиноий таъқиб ёки суд босқичида иштирок этади (*Германия, Норвегия, Дания, АҚШ, Франция, Нидерландия, Жанубий Африка*). Иккинчи моделда прокуратура умумий назорат ваколатига эга бўлмаса-да, ихтисослашган бўлинмалар ва жамоат манфаатини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан даъво қўзғатиш тартибида фаол ҳаракат қилади (*Испания, Польша, Хитой, Бразилия*). Учинчи моделга мансуб прокуратураларда қонунлар ижроси устидан назорат қилиш ваколати мавжуд бўлиб, унда прокурор назоратни мустақил равишда амалга оширади ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллайди (*Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон*). Диссертант фикрича, мазкур тасниф давлатларни мутлақ тарзда бир гуруҳга боғлаб қўймайди, бунда қиёслашнинг асосий бирлиги давлат эмас, балки аниқ ҳуқуқий механизм ҳисобланади.

Шунингдек, у хорижий мамлакатларнинг (*ЕИ, Хитой*) илғор тажрибасини ўрганиш, назорат амалиётини таҳлил қилиш ва социологик сўров натижасидан келиб чиқиб, «YER – PROKUROR NAZORATI» мобил иловасини прокуратура фаолиятига жорий этиш зарурлигини таъкидлайди. Мазкур мобил илова космик суратларни сунъий интеллект ёрдамида ойига камида икки марта таҳлил қилиб, ерга оид қонунбузарликларни инсон аралашувисиз барвақт аниқлайди ва ерга бартараф этиб бўлмас зарар етишининг олдини олишга ёрдам беради. Унинг вазифаси сигнал берилганидан то ер қишлоқ хўжалиги муомаласига қайтарилгунга қадар бўлган назорат занжири (*назорат органининг жойга чиқиши, ҳолатни ўрганиши, чора кўрилиши, суд ва ижро босқичлари*) ҳамда шу органларнинг ҳаракати ва қўлланилган чораларга ҳуқуқий баҳо бериш учун асос яратишдан иборат. Натижада, прокурор назорати анъанавий классик моделдан превентив моделга ўзгаради, прокурор қонун бузилиши ҳолатини унинг бошланғич босқичидаёқ аниқлаш ва бартараф этиш имконига эга бўлади. Муаллиф ушбу мобил илованинг синов версиясини ишлаб чиқиб, унинг асосида назорат органлари билан ҳамкорлик тартиби, илованинг ишлаш, космик суратларни таҳлил қилиш, сигналларни узатиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби лойиҳасини таклиф этган.

Бундан ташқари, тадқиқотда рақамли муҳитда прокурор назоратини ташкил этишнинг «Узлуксиз рақамли назорат» муаллифлик модели ишлаб чиқилган. Превентив хусусиятга эга ушбу модель қонунбузилишларни илк босқичида аниқлашга хизмат қилади. Унга кўра, ер участкасининг ҳужжатдаги ва космик суратдаги ҳолати ўзаро солиштирилади. Тафовут аниқланганда ваколатли орган жойида текширув ўтказади, прокурор эса текширув ва кўрилган чораларнинг қонунийлигига баҳо беради. Ушбу моделнинг аҳамияти қуйидаги назорат босқичларида намоён бўлади: 1) *Барвақт олдини олиш* – ноқонуний қурилиш пойдевор босқичидаёқ тўхтатилиб, ерга қайтариб бўлмас зарар етказилиши хавфи бартараф этилади; 2) *Ресурсларни манзилли йўналтириш* – текширувлар субъектив танлов асосида эмас, балки аниқ ўлчанадиган номувофиқлик мезонлари асосида айнан хавфли нуқталарда ўтказилади; 3) *Якуний натижадорлик* – назорат тадбирлари прокурор томонидан таъсир чоралари қўлланиши билан эмас, балки ер майдони амалда қишлоқ хўжалиги муомаласига қайтарилганда якунланади.

